

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ВА СОҲАДА КАДРЛАР САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ ЖАДАЛЛАШТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда сунъий интеллект технологияларини ривожлантириш ҳамда уларни иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларга кенг жорий этиш юзасидан тақдимот билан танишди.

Бугунги кунда дунёда сунъий интеллект технологиялари иқтисодиёт, таълим, соғлиқни сақлаш, хавфсизлик ва бошқа муҳим йўналишларда асосий воситалардан бирига айланмоқда. Сунъий интеллект технологиялари давлат бошқарувида самарадорликни ошириш, ресурслардан тежамкор фойдаланиш, аҳолига кўрсатиладиган хизматлар сифатини яхшилашга хизмат қилади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ҳам бу соҳада тизимли ислохотлар амалга оширилиб, мамлакатимиз сунъий интеллектни татбиқ этиш бўйича халқаро рейтингда 17 поғона юқорилади. Ҳозирда Ўзбекистон 188 давлат ичида 70-ўринни, Марказий Осиё бўйича эса биринчи ўринни эгаллаб турибди.

Президентимиз таъкидлаганидек, бу натижалар соҳада қўйилган илк қадамлар самарасидир, ammo олдинда ҳали кўп иш турибди. Шу мақсадда ўтган йили 2030 йилгача мўлжалланган Сунъий интеллектни ривожлантириш стратегияси қабул қилинди ва Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузурида махсус марказ ташкил этилди.

Тақдимотда соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари кўриб чиқилди.

Иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларда сунъий интеллект лойиҳаларини жорий этиш мақсадида

50 миллион доллар маблағ ажратилган. Соғлиқни сақлаш, таълим, қишлоқ хўжалиги, энергетика, транспорт, экология ва молия соҳаларини қамраб олган 86 та лойиҳа шакллантирилди. Ҳозирда сунъий интеллектни қўллаш учун зарур ҳисоблаш имкониятларини яратиш мақсадида “суперкомпьютер кластери”ни ташкил этиш ишлари жадал олиб борилмоқда.

— Сунъий интеллектни тезроқ ривожлантириш учун доимий равишда илғор, ўзини оқлаган хорижий ва маҳаллий тажрибаларни ўрганиб бориш зарур. Бунинг учун соҳада самарали фаолият юритаётган ватандошларимиз, хорижий экспертлар ва хусусий сектор билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш керак, — деди давлатимиз раҳбари.

Тақдимотда сунъий интеллект соҳасида замонавий ҳисоблаш қувватларини ўзимизда яратиш, маълумотлар марказларини қуриш ва бунга инвестиция киритмоқчи бўлган тадбиркорлар учун жозибадор муҳитни таъминлаш муҳимлиги қайд этилди.

Сунъий интеллектни ривожлантиришда энг муҳим омил — малакали кадрлар тайёрлаш. Бу ишларни мактаблардан бошлаш, информатика ўқитувчиларини қайта тайёрлаш, янги авлод дарсликларини ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Соҳада кадрлар тайёрлашни жадаллаштириш мақсадида кўплаб дастурлар амалга оширилмоқда. “Бир миллион сунъий интеллект етакчилари” миллий дастури доирасида ёшлар учун aistudy.uz ва omr.aistudy.uz платформалари ишга туширилди, уларда СИ бўйича 5 та бепул онлайн ўқув дастури йўлга қўйилган. Дастур доирасида 2027 йилга қадар 1 миллион нафар ёш сунъий интеллект соҳасидаги билим ва кўникмаларга эга бўлади.

Ёшларнинг истиқболли лойиҳаларини аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш учун барча ҳудудларда Сунъий интеллект ҳакатони йўлга қўйилади. Шу кунларда Нукус шаҳрида соғлиқни сақлаш бўйича “HealthTech AI Hackathon” мусобақаси муваффақиятли ўтказилди. Бу тажрибани кенгайтириб, таълим, суд тизими, сув хўжалиги ва тадбиркорликни ривожлантириш йўналишларида ҳам ўтказиш муҳимлиги қайд этилди.

Президентимиз тақдимот қилинган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаб, уларни сунъий интеллектни жорий этишни янада жадаллаштириш, илғор тажрибани амалиётга татбиқ этиш, соҳада кадрлар салоҳиятини ошириш йўналишида янада такомиллаштириш ва кенгайтириш бўйича топшириқлар берди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ОЗАРБАЙЖОНГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига биноан амалий таширф билан ушбу мамлакатга келди.

ИСМОИЛ ЖЎРАБЕКОВ ОИЛАСИГА ҲАМДАРДЛИК БИЛДИРИЛДИ

Атоқли давлат ва жамоат арбоби, Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирининг маслаҳатчиси Исмоил Жўрабеков жорий йил 28 сентябрь куни вафот этган эди.

Президент Шавкат Мирзиёев таъзияли хонадонга таширф буюрди. Қуръон тиловат қилиниб, дуо ўқилди.

Давлатимиз раҳбари марҳумнинг эгу ишларини, Ватанимизга хизматларини ёдга олди.

Исмоил Жўрабеков 1931 йил 12 сентябрда Самарқанд шаҳрида ишчи оиласида туғилган. Меҳнат фаолияти давомида сув хўжалиги соҳасида масъул лавозимларда меҳнат қилиб, республикада ирригация ва мелиорация соҳасини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшди. 1985 йилда Ўзбекистон Вазирлар Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари этиб тайинланди.

Мустақиллик йилларида И.Жўрабеков Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, Давлат сув назорати бошлиғи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Давлат маслаҳатчиси лавозимларида ҳам самарали фаолият олиб борди.

Сўнгги йилларда И.Жўрабеков мўътабар ёшда бўлишига қарамасдан, сув хўжалиги вазирининг маслаҳатчиси сифатида хизмат қилиб, Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган кенг қўламли ислохотларни амалга оширишда фаол иштирок этди.

Давлат ва жамоат арбобининг халқимиз ва Ватанимиз олдидаги хизматлари муносиб баҳолалиб, у “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор” фахрий унвони ҳамда давлатимизнинг бир қатор юксак мукофотлари билан тақдирланган эди.

Давлатимиз раҳбари марҳумнинг фарзандлари ва яқинларига ҳамдардлик билдириб, сабр-тоқат тилади. Улар Президентимизга таширфи ва далда сўзлар учун миннатдорлик билдирди.

ЎЗА

В

АТАНГА ҚАЙТАРИШ

ИНСОНПАРВАРЛИК ТАМОЙИЛИНИНГ МИСЛСИЗ НАМУНАСИ



Мехрли сиёсат

“Давлат — жамият — инсон”. Давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатлар тартибини англатувчи ушбу парадигма яқин-яқингача шундай эди. Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида “Инсон қадри учун” ғояси асосида бошланган аниқлаштирилган жараёнида ушбу тамойил тамоман ўзгарди: “Инсон — жамият — давлат”. Яъни инсон кадр-қиммати биринчи ўринга чиқиб, мамлакатимизда кечаётган ислохотларнинг ўзагига айланди. Бошқача айтганда, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий — барча йўналишларда амалга оширилаётган ҳар бир ишда инсон манфаати устувор вазифа этиб белгиланди.

Хўш, нима ўзгарди? Аввало, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг бош мақсади ўларок, ушбу тамойил асосида юртдошларимиз хоҳиш-иродаси ва фикрига мувофиқ, янги тахрирдаги Конституциямиз қабул қилинди. Референдум йўли билан қабул қилинган янги тахрирдаги Бош қонуимизда Ўзбекистоннинг “ижтимоий давлат” мақоми мустаҳкамланиб, адолатли ижтимоий сиёсат юритиш маънавий ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди.

Шу асосда камбағалликни қисқартириш, аҳолининг даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлаш мақсадида замон талабларига мос касбга тайёрлаш

Давоми 3-бетда

ЎЗБЕКИСТОН — ТАТ: БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК



Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Туркий давлатлар ташкилоти саммити тадбирларида иштирок этиш учун Габаля шаҳрига таширф буюрди.

Жойлашуви, тарихан ўзаро яқинлиги ва ресурсларига кўра, тараққиётнинг янги босқичида ўта муҳим ҳамкорлик майдони сифатида Туркий давлатлар ташкилоти нуфузи кун сайин ортиб бормоқда. Бир вақтнинг ўзида Туркий давлатлар ташкилоти унга аъзо давлатларда истиқомат қилувчи халқларнинг ҳам маданий жиҳатдан яқинлашувида муҳим кўприк вазифасини ўтамоқда.

Бинобарин, ташкилотнинг ўзаро тенг ҳуқуқлилик ва манфаатдорлик, ички ишларга аралашмаслик ва мустақиллик, мамлакатлар суверенитетини ҳурмат қилиш каби ўта

Давоми 2-бетда

“ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ”ГА БИЛИМГА ТАЯНИЛГАНДА ОСОНРОҚ ЭРИШИЛАДИ



Бугуннинг гапи

Электр энергияси инсоният цивилизациясининг буюк кашфиётларидан бири сифатида ҳаётимизнинг ҳаракатлантирувчи қувват манбаига айланган. Шу маънода, у бекиёс аҳамиятга эга. Кейинги йилларда аҳоли сонининг ортиши, турмуш даражасининг юксалиши ва замонавий технологиялардан тобора кўпроқ фойдаланиш эвазига электр энергиясига бўлган талаб кескин ошиб бормоқда. Айнан шундай шароитда дунё мамлакатлари олдида турган асосий вазифа — ишлаб чиқаришда тежамкор технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи манбалардан кенг фойдаланиш ҳисобланади. Шу боис, мамлакатимизда “яшил иқтисодиёт” ғояси стратегик аҳамият касб эта бошлади.

Сир эмас, Марказий Осиё минтақасида жойлашган мамлакатлар иқлим ўзгаришидан жиддий жабр кўрмоқда. Яйловлар қуриб бораётгани, сув ресурсларининг тобора камайиб, танқис бўлаётгани ва чанг бўронлари авж олаётгани бунинг аниқ мисоллари. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон минтақада биринчилардан

бўлиб, эзгу ташаббусга — “яшил” тараққиётга киришгани диққатга сазовордир.

“Яшил иқтисодиёт”нинг муҳим компоненти қайта тикланувчи энергия манбаларини яратиш ва фойдаланиш ҳисобланиб, бу борада Ўзбекистоннинг салоҳияти анча кенг. Қуёш, шамол ва сув каби экологик тоза энергия манбаларидан фойдаланишнинг афзалликлари бекиёс бўлиб, айниқса, қуёш “хонашёси” бепул ва туганмас ҳисобланади. Табиатнинг “кайфияти”ни ҳисобга олган ҳолда, бизнинг шароитда — қуёшли кунлар йилига 200 кундан ошади. Мутахассислар ҳисоб-китобига қараганда, республикада муқобил энергия (айниқса, қуёш энергияси)нинг йиллик захираси 270 миллион тонна шартли ёқилғи эквивалентига тенг. Бу реал эҳтиёжimizдан уч қарра кўп дегани. Иқтисодиёт учун мислсиз аҳамиятга молик бу жиҳатлар эътиборга олиниб, мамлакатимизда “яшил ўсиш” тамойиллари қабул қилинди. Бу ғоя нафақат барқарор тараққиётнинг асосий устуни, балки иқтисодий салоҳиятни мустаҳкамлаш ва янги имкониятлар эшигини очишда ҳам ҳал қилувчи омил сифатида намоён бўлди.

Давоми 4-бетда

ТАЪЛИМ ГРАНТЛАРИНИ ҚАЙТА ТАҚСИМЛАШ ТАЛАБАЛАР ЎРТАСИДА ТЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАЙДИ



Бугуннинг гапи



5



Санжар ЭШМУРАДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

Одамларни эшитиш, дардига қулоқ тутиш, муаммоларини ҳал қилиш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш нуқтаи назаридан аввалги “давлат — жамият — инсон” тамойили амалда бўлган даврдаги стереотиплар тамоман ўзгариб, инсон қадри том маънода улуғланаётгани ҳисобига жамиятимизда “Меҳрли сиёсат” тушунчаси пайдо бўлди ва айни пайтда жамият ҳаётига тобора чуқур сингиб бормоқда.

Янги Ўзбекистоннинг бу сиёсати 38 миллион нуфусли юртдошларимиз фаровонлигини ошириш, бугунги яшаётган кундан розилигига эришиш, айниқса, қийин вазиятга тушиб қолганларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда катта самара бераётгани баробарида, дунёнинг тўрт бурчагидея сиёсий вазият таранг бўлиб турган, айрим минтақалар уруш ўчоғига айланган айни таҳликали замонда инсонпарварлик сиёсатининг олий намунаси сифатида халқро эътибор ва эътирофга сазовор бўлмоқда.

Хусусан, 2019-2021 йилларда “Меҳр” инсонпарварлик операциялари доирасида мамлакатимизнинг 531 фуқароси Яқин Шарқдаги ҳарбий мижозлари ҳудудлардан Ўзбекистонга қайтарилди. Айнан уруш ўчоқларидан олиб келинган ушбу юртдошларимиз шунчаки оғир ҳолатдан олиб чиқилмади, балки уларга йиллар давомида тиббий-психологик, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий жиҳатдан керакли ёрдам берилди.

Тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказилиб, доимий шифокор назорати йўлга қўйилди. Болалар боғча ва мактабларга жойлаштирилган бўлса, аёллар касбий таълимда тикувчилик, ошпазлик, компьютер саводхонлиги бўйича тегишли малакага эга бўлди ва шу асосда ишга жойлаштирилди. Уй-жой билан таъминланиб, зарур ҳолларда нафақалар тайинланди. Бир сўз билан айтганда, бу инсонлар жамиятга тўлиқ интеграция қилинди.

Албатта, ушбу саъй-ҳаракатлар халқро ташкилотлар томонидан юқори баҳоланди. Хусусан, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 2021 йилда ўтказилган сессиясида Ўзбекистоннинг ўз фуқароларини қуролиш мижозлар ҳудудидан қайтариш дастури ва соҳадаги ижобий ишлари ҳозиргача фуқаролари Сурия ва Ироқ сингари ҳудудларда қочқин мақомида бўлган бошқа давлатлар учун намуна сифатида хизмат қилиши мумкинлиги эътироф этилган эди.

БМТнинг махсус маърузачиси Фионнуала Ни Аолайн ҳам 2021 йил ноябрь-декабрь ойларида Ўзбекистонга сафари якунлари бўйича ўтказилган матбуот анжуманида бу фикрга қўшилиб, юзлаб аёл ва болаларни жанг майдонидан олиб чиқиш ва интеграция қилиш бўйича Ўзбекистонда бажарилган “Меҳр” амалиётига юқори баҳо берганди. Зеро, мамлакатимиз Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб ушбу гуманистик лойиҳани ташкил этди.

Ёки юртимизга олиб келинган фаластинлик меҳмонларни олайлик. Утган йили фаластинлик 100 аёл ва бола реабилитация учун Ўзбекистонга олиб келинган эди. Шу даврда уларга малакали тиббий ёрдам кўрсатилиб, соғломлаштириш учун қулай шарт-шароит яратилди.

Президентимизнинг шу йил 14 августдаги “Ўзбекистондаги бир гуруҳ фаластинлик фуқароларга давлат гамхўрлиги, меҳр-шафқат тамойиллари асосида кўмак бериш тизимини йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан меҳмонларнинг ижтимоийлашувини таъминлаш, жамиятга интеграция қилиш ишларини жадаллаштириш, ижтимоий

ВАТАНГА ҚАЙТАРИШ

ИНСОНПАРВАРЛИК ТАМОЙИЛИНИНГ

МИСЛСИЗ НАМУНАСИ

хизмат кўрсатиш, соғлиғини янада мустаҳкамлаш, бандлигини таъминлаш билан боғлиқ чора-тадбирлар белгиланди.

Мазкур йўналишдаги хайрли ишлар халқимизнинг бағрикенглик, эзгулик, инсонпарварлик каби миллий қадриятлари кўзгуси сифатида кенг жамоатчилик, халқро ҳамжамят томонидан қизғин қўллаб-қувватланмоқда.

Меҳрли сиёсат шулар билан чегараланиб қолаётгани йўқ, албатта. Тўғри, у маълум йўналиш ёки ўлчов сифатида оммалашмапти. Бу — инсон қадри устувор ҳар жойда, ҳар бир амалда юртдошларимизнинг ислохотлардан розилиги эвазига кенгайиб бораётгани қувонарли. Масалан, мазкур жиҳат ташқи миграция билан боғлиқ ҳолатларда ҳам яққол кўринади.

Бир кунни ота ўғлининг елкасига қўлини қўйиб, “Ким зўр?” деб сўради. Ўғил “Мен зўр”, деб жавоб берди. Бошқа жавобни кутган ота саволини икки-уч бор такрорлади. Аммо ўғилнинг жавоби ўзгармади. Шунда ота хомуш тортиб, бошини ҳам қилиб, ортига бурилиб юрди. Ўғлидан бир неча қадам узоқлашгач, яна “Ким зўр?” деб сўради. Ўғил эса “Сиз зўр”, деб жавоб берди. Ота таажжубланиб ўғлининг нега жавобини ўзгартиргани билан қизикди. Ўғил “Қўлингиз елкамда турганида мендан зўр инсон бўлмайди”, дея жавоб берди.

Ҳа, дунёда отадан гамхўр, онадан меҳрибон инсон йўқ. Шунинг учун ҳам кўпчилик юрт отага, халқ эса онага қийсанади. Чунки қаерда, қай аҳволда бўлмасин, давлат ўз фуқаросининг елкасидан тутди, халқи қўллаб-қувватлайди.

Маълумотларга кўра, “Ватанга қайтариш” инсонпарварлик лойиҳаси доирасида хорижда қийин вазиятларда қолган 621



яшашнинг ҳам ўзи бўлмайди”, дея ҳаёдан ўтказдим. У ерда бетоб бўлиш эса дард устига чиқкон. Сендан ҳол сўраб эшитгини тақиллатадиган қўшнинг, миллатдошинг йўқ. Жонингга ора кирувчи ота-онанг, дўсту биродаринг, ога-нинг минглаб километр олисда. Қайси давлатда ишинг бўлмаса — иш, пулинг бўлмаса — моддий ёрдам берадиган, бетоб бўлсанг — дори-дармон, озик-овқат, мева-чева билан ҳолингдан хабар оладиган маҳалла фаоллари бор!

Уларнинг бегона юртларга қандай бориб қолгани билан қизикдим. Аксарияти одамларнинг “бу ерда яшаш яхши, пул топиш осон”, деган ҳавойи гапларига ишониб, тавakkал қилиб йўлга чиққан. Қўли чет элда қонуний ишлаш йўл-йўриғини яхши билмай, фирибгарларнинг ёлгон ваъдасига алданган, одам савдоси қурбонлари экан.

Улар орасида қариндоши, дўстининг “тайёр иш бор, сен келавер” деган сўзига ишониб, норасмий йўллар билан хорижга ишлашга йўл олган, аммо қариндоши ёрдам бера олмаганлар ҳам таллайгина.

Мана шулар ҳақида ўйлар эканман, бугун миграция тизимидаги қулайлиқлар ўз ўрни ва вақтида бўлганига ишонч ҳосил қиламан. Дарҳақиқат, кейинги йилларда соҳада туб ислохотлар амалга оширилиб, тизим фаолияти янада шаффоф ва жадал кўриниш олди. Бунга Президентимизнинг ўтган йили 17 октябрдаги “Миграция жараёнларини бошқариш тизимини ислох қилиш бўйича биринчи шавкатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони асос бўлиб хизмат қилмоқда. Хужжатга мувофиқ, Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги фаолияти тугатилиб, Вазирлар Маҳкамаси хузурида Миграция агентлиги ташкил этилди. Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси агентлига ўтказилиб, унинг негизидея Миграция қўллаб-қувватлаш бўлиб эмас, бирор-бир соҳанинг етук мутахассиси сифатида ишлашига эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда ватандошларимизнинг тил ўрганиши, бирор касб тўғрарига қатнашиб, яхши мутахассис бўлишини қўллаб-қувватлаш учун компенсация, имтиёзли микрокредитлар ажратилмоқда. Шунингдек, меҳнат миграцияси географиясини кенгайтириш, айниқса, хорижда ишлаш истагидея юрт-

дошларимизни Европанинг ривожланган давлатларига юборишга устувор аҳамият берилмоқда.

Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 19-22 май кунлари Венгрия ва Словения Республикаларига расмий ташрифида меҳнат миграцияси соҳасидея ҳамкорлики кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Шу йил 9 июнда Словакия Республикаси Бош вазир Робе́рт Фио-нинг Ўзбекистонга ташрифида мазкур масалага алоҳида эътибор қаратилиб, Словакия томони ушбу соҳада тизимли ҳамкорлики йўлга қўйишдан манфаатдор экани таъкидланди. Эътиборли жиҳати, бу борада турли манфаатли келишувларга эришилди.

Илгари хорижий мамлакатларга ишлаш учун кетган ватандошларимизга нисбатан салбий қараш бор эди. Улар сабрсиз, шукроналик нималигини билмайдиган инсонлар сифатида кўрилди. Бугун эса уларга нисбатан бундай муносабатдан воз кечилган. Фақатгина уларнинг хавфсизлиги кўзланган ҳолда қонуний йўллар билан боришга, юқори даромад олиши учун эса ўқиб, бирор касб-ҳунарни эгаллаши учун имконият ҳозирланмоқда.

Сабоби, бугунги глобал дунёда инсон капитали экспортга давлат иқтисодиёти баркардорлиги, келгуси тараққиётга муносиб ҳисса қўшадиган тармоқ сифатида қаралмоқда. Хорижий тажриба, айниқса, ривожланган давлатларда ишлаб келган кадрлар ижтимоий-сиёсий, иқтисодий тармоқларга янги “қон”, оддий қилиб айтганда, ўша юрт ўзи меҳнат қилган жамоа тажрибасини олиб кириши рад этиб бўлмайдиган факт. Айниқса, Ўзбекистон каби йирик, 38 миллионли нуфусга эга мамлакат учун инсон капиталига инвестиция киритиш давлат иқтисодиётига катта фойда келтиради. Бу борада Хитой, Ҳиндистон, Мексика каби давлатлар тажрибасидан фойдаланилмоқда.

Меҳнат миграцияси тизимини шакллантиришда асосий ургу фуқароларини чет элга тартибли ва хавфсиз жўнатишга қаратилмоқда. Шу боис, масъул ташкилотлар томонидан юртдошларимизга чет элга боришдан олдин тайёрлов курслари ташкил этилганди. Хусусан, 2025 йилнинг биринчи ярим йиллигидея “Таълим + иш” тамойили асосида Германиянинг 4 та, Япониянинг 3 та, Болгариянинг 1 та халқро ўқув маркази юртимиздаги 9 та ҳудудда филиалини очди ҳамда 6 та касб ва хорижий тил бўйича ўқитиш йўлга қўйилди. Халқро ҳамкорлар билан Тошкент вилоятида “Пайвандчилар мактаби” (Эстония), Самарқандда “Қара ҳайдовчилар мактаби” (Латвия), Сурхондарё вилоятида “Юк автотомобили ҳайдовчилари мактаби”ни (Япония) ташкил қилишга келишилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан “Хорижга иш — маҳалладан” тамойили асосида энг қўйи бўғиндан чет давлатларга тўғридан тўғри ишга

бориш имкони яратилмоқда. Бу тизимда “Онлайн маҳалла” платформаси орқали инсон омилиси ариза юбориш имкони яратилгани янада катта қулайлик яратмоқда.

Шундай бўлса-де, юртдошларимиз орасида норасмий йўллар билан хорижга чиқиб кетиш ёки фирибгарларга ишониб, одам савдоси қурбонига айланиб қолаётганлар ҳам талайгина. Бу эса уларнинг бегона юртларда ижтимоий-иқтисодий, жисмоний томондан оғир аҳволга тушиб қолишига сабаб бўлмоқда.

Ваҳоланки, мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадли ишга жалб этиш ҳамда камбағаллики қисқартириш борасида катта ислохотлар амалга оширилмоқда. Айниқса, 2025 йил ушбу йўналишда алоҳида аҳамиятга сазовор йил бўлмоқда. Бу ҳақда давлатимиз раҳбари йил аввалида бўлиб ўтган видеоселекторлардан бирида: “**Бундан бўён камбағалликини қисқартириш умуммиллий ҳаракатга айланади. Хуқуматдан тортиб, туман ташкилотигача барча бўғиндаги раҳбарларнинг кундалик иши оилаларни камбағалликдан олиб чиқиш бўлиши керак. Бу борада назорат ҳам, сўров ҳам қаттиқ бўлади**” дея таъкидлаган эди.

Ростдан ҳам, бу йил аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликини қисқартириш, юртдошларимизни касбий таълимга йўналтириш борасида янгиҳа ташаббус ва самарали лойиҳалар ҳисоби катта натижаларга эришилмоқда. Жумладан, ҳудудларда маҳалла банкирлари фаолияти йўлга қўйилиб, банклар маҳаллаларга боғланди. Шу тариқа аҳоли бандлигини таъминлашга салмоқли ҳисса қўшапти. Натижалар рақамларда аксини топмоқда. Хусусан, биринчи ярим йилликда 3 миллиондан зиёд киши даромадли меҳнатга жалб қилинди. Камбағалликини қисқартириш борасида яратилган тизим ҳамда сарфланаётган маблағ самара бериб, жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, камбағаллик даражаси 6,8 фойзга ташкил қилди.

Камбағалликини қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлашда “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурида белгиланган вазифаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши муҳим ўрин тутмоқда.

Айниқса, аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизими бутунлай янгиҳа кўриниш касб этган. Ҳозир бирор бизнесни йўлга қўйиш учун маҳаллангиздан нарига чиқишингиз шарт эмас. Бониси, юртимизда аҳолини камбағалликдан чиқариш, уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича шундай тизим йўлга қўйилган: тадбиркорлик қилишни истайсизми, деҳқончилик қўлингиздан келадими ёки бўлмаса хизмат кўрсатиш соҳасига қизиқишингиз борми — исталган йўналишда иш бошлашингиз учун “маҳалла еттилиги” жонингизга ора қиради.

Хусусан, бандлик, аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш масалаларида маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси, солиқ ходими, ёшлар етакчиси, ижтимоий ҳодим халқимиз вакилларига зарур ёрдам кўрсатмоқда. Қайси соҳада иш бошлашни ният қилманг, биринчи ўринда, моддий маблағ, бошланғич инвестиция масаласи ўртага чиқади. Бу муаммоларни ҳам бир зумда маҳаллангизнинг ўзидея ҳал қилишингиз мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилган “Бизнесга биринчи қадам”, “Бир контур — бир маҳалла”, “Бир маҳалла — бир маҳсулот”, “Ҳар бир ёшга — бир гектар”, “Ҳар бир оила — тадбиркор” каби лойиҳалар кўпчилигининг ўз бизнесини йўлга қўйиши учун замин яратди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларидан тортиб, бизнесини йўлга қўйишни мақсад қилганларгача — тадбиркорлик лойиҳаси ва ўзини ишончи бор барчага тақдим этилаётган имкониятлар ҳақида эшитиб, қўллаб ўз бизнесини бошлаш орзусида бўлган, аммо айрим сабабларга кўра чет элга ишлашга кетган юртдошларимиз ҳам ўз ватани, ота-онаси, оиласи бағрига қайтиб келгани ҳам айни ҳақиқат.

Янада эътиборлиси, Ўзбекистонга қайтиб келган фуқаролар орасида кенг имоният ва имтиёзлардан фойдаланиб, ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган, бугун нафақат ўзи, балки яна бир неча кишини камбағалликдан чиқарганлар ҳам кўпчиликини ташкил этади.

Имтиёзли кредит ажратиш, жой, ер билан таъминлаш ишлари рақамлаштирилаётгани эса бу тизимга аҳолининг ишончини янада орттиради ҳамда тезкорлик ва шаффофлики таъминлайди.

Жорий йил 20 август кунни Янги Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан ўтказилган очиқ мулоқотида бу борада келгуси йилда қандай чора-тадбирлар бўлиши таъкидланди. Жумладан, 2026 йилда “Бизнесни 15 дақиқада бошлаш” тамойили асосида бизнесни бошлаш ҳамда юртиши ишларини онлайн бажариш мумкин бўлган, ишбилармонларга зарур давлат хизматларини ўзида жамлаган янги платформа ишга туширилиши қайд этилди. Бу кейинги йилларда ишбилармонлар сафи қаррасига орттишига замин яратяди.

Аммо бу фақат Ўзбекистонда яшайдиган фуқаролар давлатимиз яратиб бераётган турли имтиёзлардан кенг фойдаланяпти дегани эмас. Юқоридея таъкидлангандек, қаерда, қай аҳволда бўлмасин, Ўзбекистон фуқаролари давлат ва жамиятнинг қўлловини ҳам маънан, ҳам моддий жиҳатдан ҳис қилиб туриди.

Биргина мисол, уй-жойга эҳтиёжи бор, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилаларга бериладиган субсидиялар оила аъзоларининг аризасига кўра меҳнат муҳожирларига ҳам берилиши сўзимизни исботлайди.

Халқимизда “Ўзга юртда шоҳ бўлгунча ўз юртингда гадо бўл” деган нақл бор. Тарихда йирик салтанат тузган бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг туғилиб ўсган юрти — Андижондан келтирилган ҳандаланинг бўйини туйганда кўзига ёш олгани нақлининг нақадар тўғри эканини билдиради. Бобур “Ўз ерни қўйиб, Ҳинд сори юзландим, ё Раб, нетайин не юз қаролик бўлди”, дея ватандан айро яшашнинг дарду ҳасратларини умр бўйи бежиз газал ва рубоийларида баён этмаган.

Демак, ўзга юртда товоғингиз тиллодан бўлса ҳам бахтингиз тўқис бўлмас экан, бегона элларда оғир аҳволга тушиб қолсангиз, қанчалик оғир бўлишини тасаввур қилверинг. Буни ҳис қилиш учун акция доирасида Ўзбекистонга олиб келинган юртдошларимизнинг юз-кўзидея қувончини кўриш, тилидаги шукроналикини тинг-лаш лозим.

Ўзбекистон халқро майдонларда байроғимизни ҳилпиратаётган спортчиларимиз, илм аҳли, санъат намояндаларимиздан қанчалик фахр туйса, уларни рағбатлантирса, ўзга элларга кетиб, оғир аҳволга тушиб қолганлар, уруш ўчоғи ва муаммолар ҳудудларга бориб қолганларни ҳам ёлғизлатиб қўймайди, елкасидан суяб ҳаётини изга тушириб олишига кўмаклашади.

Бинобарин, “Ватанга қайтариш” инсонпарварлик лойиҳаси ҳамда ўтган йилларда ўтказилган “Меҳр” операциялари бунга ёрқин мисолдир. Ахир чин ота фарзандларини бир-биридан айирмайди, қўлидан келганча гамхўрлик қилади. Зеро, янги Ўзбекистоннинг барпо этиш йўлида бугун мамлакатимиздаги ортага қайтмас ислохотлар марказида ҳам халқ манфаатлари, ҳаётдан рози бўлиб, фаровон турмуш кечиришга эришиш мақсади туриди.



Бугуннинг гапи

Фарзандингиз олийгоҳга имтиҳон топшириб, давлат гранти асосида қабул қилинса-ку, дўппингизни осмонга отасиз. Супер контракт қийматини кўриб эса болангиз ўз кучи билан шартномага илинганига ҳам хурсанд бўласиз. Бироқ ширин ташвишингиз биттага кўпаяди. Амаллаб 4 йилни ўтказамиз-да, дейсиз...

Аммо энди сиз 4 йил контракт тўламаслигингиз мумкин. Балки бир йилгина тўларсиз. Қарангки, бугунга келиб ўқишга шартнома асосида кирган талаба ҳам бюджетда ўқиши мумкин. Ҳа, агар фарзандингиз тиришқоқ бўлса, оилангиз бюджетига яхшигина ёрдам беради. Кимлардир “Эҳ, шу имконият биз ўқиган пайтларда бўлмайдими”, дейиши ҳам бежиз эмас.

Эндиликда олийгоҳларда ҳар йили грант тақсимоти ўтказилади. Бу ҳақда жорий йил 10 мартда Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим ташкилотларида талабаларга грантларни тақдим этиш ва қайта тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори қабул қилинди. Қарорга кўра, шартнома асосида ўқишга кирган талаба 4 йил шу асосда ўқимади. Фанларни яхши ўзлаштириб, ижтимоий фаоллигини кўрсата олса, грантга ўтказилади. Ақинча, грантга кирган талаба фанларни яхши ўзлаштира олмаса, шартнома асосида ўқийди. 2024-2025 ўқув йилида ўқишга қабул қилинган талабалар айни амалиётнинг илк иштирокчилари бўлди. Тўғри, бу жуда муҳокамали жараён. Моддий манфаат учун курашилади ахир. Яхши томони — бунинг ортидан ёшлар ўз устида астойдил ишлайди, изланади. Ҳар йили грант тақсимотини ўтказиш, одил сараловни амалга ошириш эса, айниқса, талабаларни кўп олийгоҳлар учун осон бўлмайди. Шу маънода, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги жараёнини енгиллаштиришга қаратилган дастлабки ҳаракатларни бошлаганидан хурсанд бўлиди. Айниқса, талабанинг ижтимоий фаоллигини баҳолашда аниқ мезонларга асосланмаса, ҳеч қандай эътирозга ўрин қолмаслигини тушуниб етдик. Зеро, бунда масалага жуда эҳтиёткорона ёндашилмаса, хатоликларга йўл қўйилади. Шунинг учун талабаларга грант тақсимоти натижалари эълон қилингангандан сўн 48 соат ичида апелляция бериш мумкинлиги белгилан қўйилган.

Шу кунларда давлат олийгоҳларида грант тақсимоти натижалари эълон қилинди. Сўнгги маълумотларга кўра, республикамиздаги олийгоҳлар сони 200 дан ортган бўлса, уларнинг 100 таси давлат олий таълим ташкилоти. 72 таси хусусий ва 30 таси хорижий олийгоҳ. 2024/2025 ўқув йилида бакалаврият таълим йўналишига талабаларга тасвир этилган 187 мингта яқин абитуриентнинг 41 мингдан зиёди давлат гранти асосида, 146 мингта яқини тўлов-контракт асосида ўқишга кирган. 14 мингдан зиёди эса имтиёзли қабул параметрлари доирасида қабул қилинган.

Нега ўтган йилги абитуриентлар сонини келтирялмиш? Чунки юқориде айтганимиздек, грант тақсимотини яхшироқ билан билиш мана шу талабалар. 1-босқич якунида грант тақсимоти учун августнинг 10 санасига қадар kontrakt.edu.uz сайтида ариза топширган. Қонунчиликка кўра, Республика олий таълим кенгаши қарорига асосан таълим грантини олувчи талабалар рўйхати ҳар йили 25 августга қадар олий таълим ташкилотининг расмий веб-сайтида эълон қилинади. Юқориде айтганимиздек, биринчи йилги англашилмовчиликлар, муҳокамалар натижалар чўзилиб кетишига сабаб бўлди. Бу борада айтирли қийинчиликларга дуч келмаган олийгоҳлар тажрибаси эса бошқалар ҳам ибрат бўлгани аниқ. Масалан, Тошкент давлат шарқшунослик университетида грант

тақсимоти учун бакалавр босқичи талабаларидан 623 нафари, магистратурадан 92 киши ариза берган. Натижаларга кўра, тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган давлат грантига 356 нафар, қўшимча давлат грантига 12 нафар, ОТМ грантига 8 нафар талаба муносиб топилган.

Масъуллар билан суҳбатдан англадикки, мазкур олийгоҳда грант тақсимоти бўйича тарғибот ишлари яхши олиб бориладиган жараёнинг осон кечилиши таъминланган. Тўғри, бу ерда ҳам талабалар ижтимоий фаолликка қўйилган баллар юзасидан апелляциялар берди. Бироқ улар ҳужжатларида камчиликлар бўлганини ўзлари тушуниб етгани боис, эътирозлар бўлмади. Фақат университетнинг грант тақсимоти билан боғлиқ сайтини вазирлик сайтига интеграция қилишда бир оз қийинчилик бўлган.

Ушбу таълим даргоҳида бошқа олийгоҳлардан фарқи ўлароқ, тил мутахассисликлари ҳар бир тил бўйича ажратилган. Масалан, филология йўналишининг ўзи 14 турга бўлинган, грант турлари алоҳида-алоҳида кодланади. Шу боис, уларни алоҳида шифр остида бириктиришда кузатишдан қийинчиликлар, техник муаммолар ҳал қилинди.

22 мингта яқин талабаси бўлган Қорақалпоқ давлат университетида 2161 талаба грантни қайта тақсимлашда қатнашиш учун ариза берган. Грантни қайта тақсимлашга масъул ходимлардан бири Илҳом Боймуродовга кўра, уларнинг 400 дан зиёди магистр. 592 талаба тўлиқ грантни, 479 нафари тўлиқ бўлмаган грантни, 46 нафари қўшимча давлат грантини, 81 нафари ОТМ грантини кўлга киритди. 319 талаба эса грантдан контрактига ўтказилди. Апелляция берган 30 га яқин талабанинг эътирозлари қарорнинг мазмун-моҳиятини тушулмаганидан келиб чиққани аён бўлиб, асоссиз деб топилди. Бахоси ўзгарган талабаларнинг аризаси эса ижобий ҳал бўлди.



ИМКОНИЯТЛАРИ ИШОНЧГА, УМИДЛАРИ ҚАНОТГА АЙЛАНАЁТГАН ОДАМЛАР

Кейинги йилларда мамлакатимизда ижтимоий хизмат кўрсатиш тизими тубдан ўзгарди. Бундай янгиланишларнинг муҳим жиҳати у юртимизнинг барча маҳалласига, хонадонларга кириб борди. Бугун ушбу тизимдан одамлар рози бўлаётгани сири ҳам шунда. Илгари одамлар дардини кимга айтишни билмас, муаммолар эса йиғилиб, катталашиб бораверарди.



Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилгач, соҳа тубдан яхшиланди. Энди маҳаллалардаги ижтимоий ходим уйма-уй юриб, кимга қандай кўмак кераклигини аниқлаб, тизим рўйхатига киритмоқда. Шу орқали ижтимоий кўмакка муҳтож юртдошларимизга манзилли ёрдам бериляпти. Хусусан, Мангит шаҳрининг Навоий маҳалласида яшовчи Асия Матчонов ва Одил Саидов яқка-ёлғиз яшайди. Уларга “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ассистенти Роза Қурбонниёзова белгиланган жадал асосида ижтимоий хизмат кўрсатади. Бундан ташқари, Хоразм кўчасида яшайдиган Очилов Холбоевнинг паспорт олишига ёрдам берилди. Бундан ташқари, тиббий кўриқдан ўтказилиб, унга I гуруҳ ногиронлиги пенсияси

тайинланди. Шунингдек, электр энергияси, табиий газ тўловлари учун бериладиган компенсацияга аризаси рўйхатга олинди. Яқка-ёлғизлар рўйхатига киритилди ва ижара уйи, кийим-кечак ҳамда кўзи оғизлар ҳассаси билан таъминланди.

Навоий маҳалласида ўзгалар парварлишига муҳтож, ёлғиз яшовчи 6 киши бор. Шунингдек, ногиронлиги бўлган 157 шахс хатловдан ўтказилган. Тоифасидан келиб чиқиб, индивидуал ёндашув асосида уларнинг эҳтиёжи аниқланган. Ўтган даврда ушбу фуқароларга тонометр, юриш мосламаси, оддий ва тирскали кўлтиктаёқ, кўзи оғизлар ҳассаси, корсет матоддан тайёрланган махсулотлар етказиб берилган. Шунингдек, ногиронлиги бор 3 фуқаронинг

имкониятидан келиб чиқиб, бандлиги таъминланган.

Бундай хизматлар сифати ва самардорлигини муттасил ошириб бориш учун Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси доимий изланиш ва ўрганишлар олиб бормоқда. Бу мақсадни тўла амалга ошириш учун ҳудуддаги 452 та маҳаллада Роза Қурбонниёзова сингари 448 ижтимоий ходим фойдалият юритмоқда. Улар аҳоли билан тўғридан тўғри мулоқот қилиб, муурожаат ва муаммоларни маҳаллада ҳал этишга ҳаракат қиялпти.

Маҳалламиздаги ҳоким ёрдамчиси билан ҳамкорликда ўтказилган сўровнома асосида 58 та оила камбағаллик реестрига киритилди. Ушбу оилаларнинг шароити ўрганилиб, белгиланган индивидуал режалар 95 фоиз бажарилди. Уларга “Саховат ва кўмак” жамғармаси томонидан зарур озиқ-овқат махсулотлари етказилди, — дейди “Инсон” ижтимоий хизматлар марказининг Навоий маҳалласидаги комплекс хизмат кўрсатуви ходими Азизат Хўжамуродова. — Шунингдек, мактабларда ташкил этилган тўғрақлар ҳам ҳамкорликда ташкил этилган фарзандлари жалб қилиниб, мунтазам шугулланиши учун зарур шароит яратилмоқда. Айнан шундай оила фарзандларидан 15 нафари Тўртқўл ва Эллиққалъа туманидаги дам олиш оромоҳларида юборилди.

Ота-онаси хорижга кетган, шунингдек, ташки меҳнат муҳожириликдаги вояга етмаган болаларга ҳам алоҳида эътибор берилган. Хусусан, ҳудуддаги умумтаълим мактаблари масъуллари билан ҳамкорликда

бу борада муайян ишлар бажариляпти. Натижада 8 бола васийлик ва ҳомилик тарбиясига олинди.

Навоий маҳалласининг Бердақ кўчасида истиқомат қилувчи Мунаввар Жумамуратованинг ўғли ва қизи ишлаш учун хорижга кетган. Шу туфайли онахоннинг 4 невараси васийликка олинганлар аниқланди. Онахонга невараларни васийликка олишда кўмаклашилди. Шунингдек, болаларга бериладиган нафақа тайинланди.

— Ҳаёт гўзал, унинг ҳар қадиқасидан унумли фойдаланиб, кўнгилдагидай фаровон ва осийишта яшашга ҳар бир инсон ҳақли. Вазифамиз инсонларнинг ана шу гўзал ҳаётдан завқ-шавқ олиб, фаровон яшаш,

орзулари рўёби учун мамлакатимизда яратилган имкониятлардан унумли фойдаланишига кўмаклашилди. Зеро, “Ҳамма нарсаси инсон учун, унинг ҳаётдан рози яшашини таъминлаш учун!” деган ҳалқларвар тамойилини амалга ошириш — биз, “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ходимлари зиммасидаги масъулиятдир, — дейди Азизат Хўжамуродова.

Мангит шаҳрида Бойовул маҳалласидаги 605 та хонадонда 4117 киши яшайди. “Маҳалла еттилиги” уйма-уй юриб, хатлов ўтказди. Натижада кам таъминланган 312 оила ижтимоий ҳимояга муҳтожлар рўйхатига киритилди. Уларнинг турмуш шароити, иқтисодий ҳолати ўрганилди. Оилаларга режалар жадал асосида зарур ижтимоий хизмат кўрсатиш чораси кўрилди.

— Бойовул маҳалласидаги хатлов жараёнида оғир аҳволга тушиб қолган ва шундай



УШБУ МАКОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДИН СКАНЕР ҚИЛИНГ!



ташқари ҳар бирининг ўзига яраша харажати бор. Ўзбекистон Миллий университетида 2-курсда ўқётган қизи грант тақсимотига ариза берганини уйдагиларга айтмаганди. Тўғри ҳам қилган экан, салгина омади келмади. Талаба қиз биз билан суҳбатда бу йил астойдил ҳаракат қилиб, албатта, университетнинг тўлиқ грантига эга бўлиш мақсадида эканини айтди.

Ҳа, биринчи йил грант тақсимотидан беҳабар қолган ёки унинг моҳиятини яхши англаб етмаган талаба ёшлар энди белни маҳкам боғлаши аниқ. Баъзан дарслардан қолиб, баъзан кечаси билан ишлаб ўйдагиларга ёрдам бергандан кўра, аъло ўқиби, ижтимоий фаоллигини намоян этиб, шартнома пулидан қутулгани яхши-да, албатта. Ҳатто тўлиқ бўлмаган грант ҳам ота-онасига



катта ёрдам бўлишини улар тушуниб етди. Ота-оналар эса дилбандининг шундай имкониятлар палласида олий таълим олаётганига шукр айтди.

Кейинги йилларда олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш ва давлат бююртмасини жойлаштириш тизимида қатор ижобий ўзгаришлар кузатилаётганини халқимиз кўриб-билиб турибди. Қабулдаги “Аввал тест, сўнг таллов” тамойили, давлат бююртмаси параметрларини давлат ОТМлари кесимида тақсимлаш амалиёти, шунингдек, таълим гранти асосида ўқиган талабалар учун ўқиниш тугатгандан кейин камида 3 йил ишлаш мажбурияти бекор бўлаётгани шулар жумласидан. Авваллари маҳаллаларда олий маълумотлилар бармоқ билан санарли бўлса, бугун олий таълим олишни истамётганлар камдан кам. Шарт-шароит, имкониятлар бўлмаганда-ку, ҳозир ҳам шундай бўлиши табиий эди. Одамларнинг кўз олдида юз бераётган ўзгаришлар уларни шу жараёнларда фаол бўлишга ундаётгандир балки. Муҳими, халқимиз орасида олий маълумот олишга қизиқиш кескин ортди. Бу эса хусусий олий таълим ташкилотлари кўпайиши, янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилаётди. Грант тақсимоти эса мамлакатимизда инсон қадри улуғланаётганининг яна бир кўриниши бўлди.

**Муножат МҶМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**

ҳолатга тушиб эҳтимом юқори бўлган 16 та оила кейс менежмент асосида баҳоланди. Уларнинг барчасига белгиланган режалар жадал асосида ижтимоий хизмат кўрсатилди. Зарур ёрдам бериш орқали ижтимоийлашувига кўмаклашдик, — дейди “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ходими Ирода Султонова. — Маҳаллада “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга оширишга ҳам жиддий эътибор берилмоқда. Хусусан, уйма-уй кириб ўрганишлар ва “Камбағаллик реестри” сўровномасини ўтказиш натижасида камбағалликка тушиб қолиш эҳтимоли бўлган 151 оила аниқланди. Шундан 7 таси камбағаллик реестрига киритилди. Уларга индивидуал хизмат кўрсатиш ишлари режа асосида бажариляпти. Шунингдек, саломатлиги ва яшаш шароитини яхшилаш мақсадида ногиронлиги бўлган шахсларга вачуер асосида хонага мўлжалланган ўриндиқни аравачалар, ҳасса, кўлтиктаёқ, саёр учун мўлжалланган аравача, рақамли эшитиш мосламалари каби зарур ускуналар олиб берилди.

Ҳозир Қорақалпоғистонда ногиронлиги бўлган 69 минг 369 шахс яшайди. Шундан 10 минг 810 нафари болалар. Улар учун реабилитация, таълим ва тиббий хизматлар тизими равишида кўрсатилмоқда.

Янги Ўзбекистонда ижтимоий хизматнинг янгиша шакл ва мазмунда ташкил этилиши одамларнинг эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамламоқда. Чунки янги тизим сабаб ижтимоий ҳимоя маҳалла даражасига туширилди. Энди ижтимоий хизматлар сифати тобора ошиб бормоқда. Бу қўлпа оилаларга нур, фаровонлик ва хотиржамлик олиб кирди. Катта умид билан маҳалла остонасига қадам қўйганларнинг оғири енгил, мушкулли осон бўлмоқда. Шу орқали улар ҳаётдан рози бўлиб, завқ билан яшамоқда. Келажакка ишончи мустаҳкамланиб борапти. Зеро, ишонч туйғуси жамики эзгу ишларга қанотдир.

**Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**



Мулоҳаза



Нодир МАҲМУДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Ўзини оқлаётган талаб

Аксариятимиз иш ва юмушлар гирдобидан қочиб, оқшом уйимизга келгач, ўтган кунимизни ўзимизча сарҳисоб қиламиз. “Вақт тез ва баракасиз ўтди, мўлжалдаги кўп ишга улгура олмадим”, деб ичимизда нолиб қўямиз. Соатнинг чиқиллаши шунчаки овоз эмас, у умр дарахтига урилаётган болтадир деган пурмаъно иқтибосни ўқиганим бор. Биз кўпинча фурсатнинг қадрига етмаймиз, назаримизга илмаймиз, уни йўқотсак, ачинмаймиз. Соатдаги сония миллиарининг бир-бир силжиб қўйишига эътиборсиз муносабатда бўламиз. Қанча яшашидан қатъи назар, инсон умри ана шу фурсатлар йиғиндис экани ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаймиз.

Бизда учрайдиган бегамлик, боқимандлик, кунтсизлик, вақтни тўғри тақсимламаслик ва мақсадсиз амаллар билан машғул бўлиш каби иллатларнинг илди-зи қаердан сув ичяпти? Аслида, турмуш, оила фаровонлиги, демакки, жамият тараққиёти ортага тортиш кучига эга бу ҳолатлар қанчалиги эмас, мавжуд эканининг ўзи юртимиздаги зиёли қатламни безовта қилиши керак.

Мамлакатимиздаги тафаккури бутун, зукко, мақсади аниқ ёшларга дунёдаги миллионлаб тенгдошлари ҳавас қилса арзийди. Навқирон авлод вакиллари учун яратилган ва яратилаётган шарт-шароит ҳамда имкониятлар бунга изн бериши шубҳасиз. Бу борадаги давлат сиёсати миллий тараққиётнинг муҳим устуларидан бирига айланган. Бугун юртимизда кечаётган ислохотлар, жорий этилаётган дастурлар ва қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари асосида ёшлар ҳаётининг барча жабҳасида баралла бўй кўрсатаётган кенг қамровли ўзгаришларга жаҳон ҳамжамияти гувоҳ бўлиб турибди.

— Ушбу имконият ва шароитлардан тўлақонли фойдаланиш ёшларимизнинг инон-ихтиёридаги вазифа, — дейди профессор, филология фанлари доктори Муслихиддин Мухиддинов. — Узоқ йиллик фаолиятим давомида амин бўлдимки, тафаккури ва шуурида инқилобий ўзгаришлар содир бўлган йигит-қизларгина етук ва комил инсон сифатида келажақ сари дадил қадам босади. Ҳамма шароит давлат



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz (71) 233-47-05



Қаҳрамон Куронбоев. — Шу мақсадда октябрда махсус бандлик дастури тасдиқланди. Унда ҳар бир ҳудуд кесимида мактаб битирувчилари ҳисоб-китоби юри-тилади. Худудий ҳокимликлар, Мактаб-гача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги бу жараёнда асосий ижрочи бўлади. Декабрга қадар уларнинг бандлик кўрсаткичлари бўйича якуний ҳисобот берилади. Бу билан мактаб битирувчилари келгуси йилни иш ёки таълимсиз бошламаслиги кафолатланади. Бандлик масаласи алоҳида вазирлик ёки ташкилот зиммасидаги вазифа эмас, барча идоралар ҳамкорлигидаги жараёндир. Мақсад — ҳар бир битирувчининг аниқ йўналиши бўлишини таъминлаш. Шу орқали иш ўринлари очилади, ёшлар ўз қизиқиши ва қобилиятига мос фаолият билан шуғулланиш имкониятига эга бўлади.

Ҳам таълим, ҳам малака

Ёшлар учун билим олиш имконияти тобора кенгаймоқда. Мактаб ва коллеж-ларда замонавий таълим усуллари жорий этилмоқда, олий таълим муассасалари сони ва сифати ошиб бормоқда. Чет элда таълим олиш учун стипендия дастурлари, хорижий университетлар билан ҳамкорлик шартномалари ёшларга жаҳон миқёсида билим олиш имконини бермоқда.

Президентимиз иштирокида яқинда таълим тизими фаоллари билан бўлиб ўтган мулоқотда бир йилда 100 та техникумда Германия, Швейцария, Хитой, Жанубий Корея, Буюк Британия каби давлатларнинг таълим ташкилотлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилиши, уларнинг энг илгор касбий таълим дастурлари жорий қилиниши белгиланди.

Касбий кўникмаси бор исталган талаб-гор ушбу техникумларда хорижий давлатларнинг малакани баҳолаш тизими орқали имтиҳондан ўтиб, халқаро сертификат олиши мумкин.

Жорий ўқув йилидан Буюк Британиянинг “Пирсон” компанияси билан ҳудуд-лардаги 14 та техникумда “БИТЕК” халқаро дастури бошланди. Бу орқали ёшлар халқаро стандартлар асосида сайёҳлик, ахборот технологиялари, тиббиёт, қурилиш, логистика, электротехника, энергетика, машинасозлик, биотехнология, креатив иқтисодиёт каби йўналишларда талаб юқори касбларни эгаллайди.

Келаси йили sanoatда қарийб 45 миллиард долларлик 456 та йирик лойиҳа бошланади. “Инвестор — тармоқ — техникум” занжири асосида техникумларда

дуал таълим йўлга қўйилади. Корхоналар билан аниқ лойиҳалари бўлган техникум-лар ўртасида замонавий устахоналар бар-по қилиш бўйича танлов ўтказилади. Тан-лов ғолибларига устахона учун замонавий ускуна ва жиҳозлар, спорт анжомлари олиб берилади.

Бугун мамлакатимиз бўйлаб ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш мақса-дида давлат томонидан турли грантлар, имтиёзли кредитлар ва бизнесни бош-лашга мўлжалланган ўқув дастурлари амалга оширилмоқда. Ёш тадбиркорлар учун махсус технопарклар, инкубатор-лар ва коворкинг марказлари ташкил этилмоқда. Шунингдек, замонавий ахборот технологиялари соҳасида иқтидорли ёшлар учун АТ парк-лари, дастурлаш бўйича махсус академиялар, онлайн курслар ва халқаро танловларда ишти-рок этиш имконияти яратил-япти.

Булар ҳақида турли дои-раларда, йиғилиш ва му-лоқотлар чоғида такрор ва такрор тўхталиб ўтилаёт-гани бежиз эмас. Ёшлар — ҳар қандай жамиятнинг келажаги. Уларга яратилаётган имкони-ятлар нафақат шахсий ривож-ланиш, балки бутун мамлакат тараққиёти учун асос бўлиб хизмат қилади. Шу боис, бу имкониятлардан унумли ҳамда мақсадли фойдаланиш ҳар бир ёшнинг бурчи ва масъулиятидир.

Янги Ўзбекистонда ёшлар нафақат мамлакат келажаги, балки бутунги ривож-ланишнинг фаол иштирокчиларига айлан-моқда. Амалга оширилаётган ислохотлар, лойиҳа ва дастурлар ёшлар учун кенг им-кониятлар эшигини очмоқда. Мақсад — ҳар бир ёш ўз имкониятини топа олсин, излансин, фаоллик ва намуна кўрсатсин, шароитлардан унумли фойдалансин!

Фаровонликни таъминлашда етакчи куч

Давлатимиз раҳбарининг ҳудудлар-га ҳар бир таширифи тараққиётнинг янги йўналишларини белгилаб беради. Зеро, таширф доирасида қўрилаётган чора-тад-бирлар, биринчи навбатда, одамларнинг яхши яшаш учун қўлай шароит яратишга қаратилмоқда.

Президентимиз яқинда Наманган вило-ятига таширфиди ҳам sanoat, қишлоқ хў-жалиги, энергетика, ижтимоий соҳа каби қатор йўналишларда ишга туширилаётган

янги объектлар билан танишди, вилоят-ни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан йиғилиш ўтказди. Ушбу учра-шув ва мулоқотларда ҳам ёшлар масаласи алоҳида эътибор марказида бўлди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари 17-18 сентябрь кунлари бўлиб ўтган “Камбағал-ликдан фаровонлик сари” III халқаро фо-румда нутқ сўзлаб, бугун дунё миқёсида кечаётган мураккаб геосиёсий вазиятга қарамай, мамлакатимизда камбағалликка қарши кураш давлат сиёсати даражасига олиб чиқилиб, умуммиллий ҳаракатга ай-лангани, бу жараёнда барча ислохот “Ин-сон қадри учун” тамойили асосида амалга оширилаётгани катта самаралар бераётга-нини қайд этди.

Дунё ҳамжамияти гувоҳ: мамлакатим-изда фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларни муносиб иш жойи билан таъминлаш, даромадини ошириш, тур-муш шароитини яхшилашга қаратилган салмоқли ишлар қилиняпти. Ҳар бир ин-сон, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларнинг ўз салоҳиятини тўлиқ намоён этиши учун шароит яратиш ва имкониятларни кенгай-тиришга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Глобал ҳамжамият 2030 йилгача дунёда камбағалликка барҳам бериш, атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисо-диёт”га ўтиш, тинчлик ва фаровонликни



таъминлашда халқаро ҳамкорликни ку-чайтириш каби жиҳатларни мужассам-лаштирган Барқарор ривожланиш мақса-дларини қабул қилган. Узоқни кўзлаган ва инсон манфаатлари биринчи ўринга қў-йилган изчил ислохотлар натижасида Ўз-бекистонда ҳозир Барқарор ривожланиш мақсадларининг қарийб ярмига эришилиб, 70 фоизда ижобий натижа қайд этилди.

Сўнгги йилларда жаҳон иқтисоди-ётида кузатилаётган мураккаб шароит туфайли ҳозир глобал миқёсда ушбу мақ-садларнинг атиги 18 фоизига эришилган. Шундай мураккаб вазиятда юртимизда бу борада қўлга киритилаётган ўзига хос натижалар юксак эътирофга сазовор бўл-моқда. Ҳа, камбағалликни қисқартириш — кенг қамровли жараён. Бу йўналишда иш юритиш ва бирор натижага эришиш

учун ҳар бир давлат кўплаб вазифаларни самарали ҳал этиши лозим. Мамлакатим-изда бу йўналишдаги “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури ана шундай муҳим жиҳатларни ўзида мужассам этган.

Дастур доирасида белгиланган чора-тадбирлар тизимли амалга оширилиши на-тижасида иқтисодиёт ҳажми 2 баробардан ортқ, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ҳажми эса 1,8 баробар кўпайди. Халқаро молия ва ривожланиш ташкилотлари билан биргаликда ўтказил-ган мулоқотлар ва ўрганишлар натижа-сида мамлакатимизда минимал истеъмол харажатлари ва камбағалликни ҳисоблаш-нинг миллий мезони ишлаб чиқилиб, ама-лиётга жорий этилди.

Натижада камбағаллик даражаси қа-рийб 3 баробар қисқариб, 2025 йил яку-нида 6 фоизгача пасайиши кутилмоқда. Бунда қишлоқ ҳудудларда камбағаллик даражаси шаҳарлардагига нисбатан тез суьратда пасайиб, 2021 йилдаги 19,8 фоиз-дан 2024 йилда 9,2 фоизга тушди. Шаҳар-ларда камбағаллик даражаси эса ушбу даврда 13,9 фоиздан 8,6 фоизга қисқарган.

Шунингдек, камбағалликни қисқарти-ришда аҳоли бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш асосий драйверлар сифатида белгиланди. Хусусан, сўнгги йилларда тадбиркорлик субъектла-ри сони 2 баробар ортиб, 1,2 миллионга, кичик тадбиркорлик билан ўзини ўзи банд қилганлар сони эса 5,5 миллионга етди. Иш-сизлик даражаси 5,5 фоиз атрофида сақлан-моқда. Юртимиз аҳолиси йилга ўртача 700-800 мингга ошиб бераётгани фониди инсон капиталини ривожлантириш, айниқ-са, ёшлар ва хотин-қизларни қўллаб-қувват-лаш кун тартибидagi асосий масалалардан бирига айланди.

Мактабгача ва мактаб таълими соҳаси учун ажратилган маблағ 7 қарра ошири-либ, мактабларда 1 миллионга яқин ўқув ўрни очилди. Мактабгача таълим таш-килотлари сони 8 баробар ортиб, қамров даражаси 78 фоизга кўтарилди. Камбағал оилалар фарзандлари богча тўловидан тў-лик озод қилинди.

Олий таълим қамрови 9 фоиздан 42 фо-изгача ошиб, олий таълим муассасалари сони 6 баробар кўпайди. Камбағал оила-лар фарзандлари ҳамда хотин-қизлар-нинг сифатли таълим олиши учун зарур шарт-шароит яратиш мақсадида фоизсиз таълим кредитлари ажратилмоқда.

Рағбат ва жазо...

Юқоридagi мулоҳазалардан кўзланган мақсад-муддаони бир матал воситасида ифодалашга уриниб кўрсак...

Бир замонлар қайсидаюр юртнинг оқил ҳукмдори ҳузурига бир киши кирмоқчи бўлибди. Ижозат этилгач, қўлида кичик қути кўтарган ўрта ёшлардаги эркак ҳозир бўлибди.

— Таширфингдан муддао не? — сўра-ди шоҳ.

— Сизга бир мўъжиза кўрсатиш мақ-садим бор. Рухсат бering, намоийш эта-йин. Гап шундаки, мен 5 йил шуғулла-ниб, чумолига мусиқа оҳангига мос мўком қилишни, рақс тушишни ўргатдим.

— Қани, хунарингни кўр-сат-чи.

Боғга киши қўлидаги қути ичидан чумолни олиб курси устига қўйибди ва кўнжидан най чиқариб, қуй чалибди. Чумоли шўх най навоси-га чунонам хиром айлабди. Ҳукмдор ҳам, сарой аҳли ҳам койил қолибди.

— Бу кишига зарбоф тўн кийдириг, — деб амр этибди шоҳ.

Мулозим ва аъёнлар дарҳол буй-руқни адо этибди.

— Энди унга 50 дарра уринлар, — дебди шоҳ.

Навбатдаги фармойишдан барча лол қолибди. Шунда сийлов изидан жазолаш сабабини шохнинг ўзи бундай изоҳлабди:

— Зар чонини маҳоратинг ва сабринг эвазига деб бил. Дарра эса 5 йил умринг-ни фойдасиз ишга беҳуда сарф қилга-нинг учундир. Бу ишингдан на халққа, на ўзингга бир наф қўрдим. Агар шу фурсат ва маҳоратингни халқ, омма, салтанат манфаати йўлида сарфлаган бўлсайдинг, бошингдан тилла соған бўлардим.

Хўш, қуруқ чумоли рақси бизга керак-ми? Албатта, йўқ! Бизга Ўзбекистон ёшларининг ўз мақсад-муддаоси, иланиш-лари, сайъ-ҳаракати, эгаллаган билими, эришган натижалари, тарбия ва ахлоқи орқали доим рағбат ҳамда эътирофга му-носиб бўлиб келаётгани муҳим. Бунинг акси — мақсадсизлик ва зое фурсат учун жазо эса уларни айланб ўтаверсин.



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-1046.
3475 нусхада босилган.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Лутфулла Сувонов
Мусахҳих: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 20:40 Топширилди — 22:30